

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тадбиркорлик  
фаолияти соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан жамоатчилик  
назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сон “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги ЎРҚ-483-сон “Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги (янги таҳрирда) Қонунларига асосан тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қондалар**

1. Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари (бундан кейин матнда – Палата) Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига асосан жамоатчилик назорати субъекти ҳисобланади.

2. Палата томонидан ўтказиладиган жамоатчилик назоратининг объектлари давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларда тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари ва талаблари ҳисобга олиними;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига оид қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилиши;

тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатилишида қонунчилик талабларига риоя этилиши аҳволи ҳисоблаланди.

**II. Жамоатчилик назоратининг шакллари**

Тадбиркорлик фаолияти соҳасида қонунчилик ижроси устидан жамоатчилик назоратининг шакллари Ўзбекистон Республикаси “Савдо-саноат палатаси тўғрисида” қонунининг 3-моддасида белгиланган.

Унга кўра жамоатчилик назорати қуйидаги шаклларда ўтказилади:

1. Давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар қошидаги жамоатчилик-маслаҳат кенгашлари фаолиятида иштирок этиш.

2. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар мониторингини амалга ошириш ва ушбу текширувларда иштирок этиш.

3. Жиноят ишлари бўйича иш юритишда, шу жумладан, судларда ишлар курилишида тадбиркорлик субъектларининг жамоатчилик ҳимоячиси сифатида иштирок этиш.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш юзасидан тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда жамоатчилик экспертизасини ўтказиш.

5. Давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасидаги фаолияти тўғрисида тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўров ўтказиш йўли орқали уларнинг фикр-мулоҳазаларини олиш ва таҳлил қилиш.

6. “Сирли мижоз” функцияларини амалга ошириш орқали тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишда қонунчилик талабларига риоя этилиши аҳволини ўрганиб бориш.

### **III. Давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар қошидаги жамоатчилик-маслаҳат кенгашлари фаолиятида иштирок этиш**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли фармонида асосан давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар қошида ташкил қилинган жамоатчилик-маслаҳат кенгашларида Савдо-саноат палатаси мажбурий иштирок этиши белгиланган.

2. Савдо-саноат Палатаси жамоатчилик-маслаҳат кенгашларида иштирок этишда қуйдаги вазифаларни бажаради:

давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг жамоатчилик-маслаҳат кенгашларида кўриладиган масалалар бўйича тадбиркорликнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур ҳолларда асослантирилган фикр билдиради;

давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг жамоатчилик-маслаҳат кенгашларида тадбиркорликка оид масалалар муҳокама қилинишида зарур ҳолларда тадбиркорлик субъектлари иштироки таклифини киритади;

жамоатчилик-маслаҳат кенгашлари муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан тадбиркорлик манфаатларига зид равишда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш тўғрисида жамоатчилик – маслаҳат кенгашига таклиф киритади.

### **IV. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар мониторингини амалга ошириш ва ушбу текширувларда иштирок этиш**

1. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар даврида жамоатчилик назоратини амалга оширишда Палата назорат қилувчи

органлар ходимларига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш учун ўтказиладиган аттестация комиссиялари йиғилишида иштирок этади.

Ушбу вазифа Палатага Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони асосида тасдиқланган Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 920-сон Қарорига мувофиқ юклатилган.

Аттестация комиссияси йиғилишларида иштирок этадиган ходим қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

- аттестация комиссияси таркибида тадбиркорлик субъектлари вакиллари мавжудлиги;

- назорат қилувчи орган раҳбарининг аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимлар рўйхатини тасдиқлаган ҳолда аттестациядан ўтказиш ҳақида буйруқ чиқарилганлиги.

Палата ходим аттестация комиссияси йиғилишларида фаол иштирок этиб, аттестациядан ўтадиган шахсларга текширишлар ва тадбиркорликка оид қонунчиликдан саволлар беради ҳамда ҳар бир номзоднинг саволларга берилган жавобларидан унинг фаолиятига оид мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда фикр билдиради.

Аттестация ўтказиш пайтида йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар ҳамда қабул қилинган ноҳолисона қарорлар бўйича аттестация ўтказувчи назорат қилувчи орган раҳбарига юборилади.

2. Текширишлар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда, энг аввало, текшириш ваколатли орган билан келишилганлиги, текшириш дастурига риоя этилиши, тадбиркор фаолиятига ноқонуний аралашуш ва дастурдан ташқари талаблар қўйилмаслиги, текшириш муддатларига риоя этилиши, текширувчиларнинг ваколатлари мавжудлиги ва дастурда кўрсатилмаган шахсларни текширишга жалб этилмаслиги ҳамда текширишда тадбиркорнинг манфаат устунлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

3. Текширишлар устидан жамоатчилик назоратини ўтказиш учун Палата ва унинг ҳудудий бошқармаларининг малакали ходимлари ажратилади.

4. Текшириш устидан жамоатчилик назорати Палата раиси, ҳудудий бошқарма раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланган дастур асосида тадбиркорлик субъектларининг мурожаати ёки танлов асосида ва зуруриятга қараб ҳар қандай бошқа текширишларда жойига чиққан ҳолда ўтказилади.

Дастурда:

- тадбиркорлик субъектининг номи, фаолият тури;
- жамоатчилик назоратининг саволлар доираси (мазкур бобнинг 1-банди 3-хат бошиси);
- назоратни якуни бўйича хулоса тузилиши ва бошқа масалалар кўрсатилиши мумкин.

5. Текширишда юқорида баён этилган ва бошқа қонунбузилишлар фактлари аниқланган тақдирда, назоратни олиб борган ходим томонидан «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига биноан

қонунбузарлик факти тўғрисида алоҳида маълумотнома тузилади. Қонунбузарлик ҳолатини тезкор равишда бартараф этиш мақсадида маълумотнома зудлик билан ҳудудий бошқарма бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан текширув органининг юқори турувчи ташкилоти, прокуратура органлари ва Бизнес-омбудсманнинг вакилига юборилади.

6. Ҳудудий бошқармалари текширишлар устидан мониторинг олиб бориш мақсадида, ҳар чоракда жамоатчилик назорати яқунлари бўйича тузилган ҳулосаларни таҳлил қилиб, умумлаштирадилар ва аниқланган қонунбузарликлар ҳақида Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман вакили вилоят назорат қилувчи органлари ва вилоят прокуратурасига таҳлилий маълумотнома юборадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.07.2018 йидаги ПФ-5490-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ Палата томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар устидан олиб борилган жамоатчилик назорати яқунлари юзасидан ҳар чоракда ваколатли органға ахборот тақдим этилади.

#### **V. Жиноят ишлари бўйича иш юритишда, шу жумладан судларда ишлар қурилишида тадбиркорлик субъектларининг жамоатчилик ҳимоячиси сифатида иштирок этиш.**

1. Жиноят ишлари бўйича иш юритишда жамоатчилик назорати тадбиркорнинг процессуал ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, уларға нисбатан одил судловни амалға оширишға кўмаклашиш мақсадида олиб борилади.

2. Бу борадаги жамоатчилик назорати тадбиркорлик субъектларига нисбатан, уларнинг Палатаға аъзолигидан қатъи назар, кўзғатилган жиноят ишларининг ҳам тергов ҳам судда кўрилишида таъминланади.

3. Жиноят – процессуал кодексининг 4 боби талабларидан келиб чиққан ҳолда тергов ва суд жараёнида жамоатчилик назорати тадбиркор ёки унинг қонуний вакили мурожаатига асосан Палата Ижроия қўмитаси ёки ҳудудий бошқармаларнинг йиғилиш қарори асосида амалға оширилади.

Жамоатчилик ҳимоячиси тўғрисида маълумот йиғилиш қарорида кўрсатилиши ва судға тақдим этилиши лозим.

4. Тадбиркорнинг тергов ёки судда жамоатчилик ҳимоячиси сифатида иштирок этиш тўғрисидаги илтимоси рад этишға йўл қўйилмайди.

Бундай илтимос тушганда масъул ходим томонидан тадбиркор тўғрисида унга ва унинг фаолиятиға оид ижобий маълумотлар тўпланади ва улардан ҳимоя жараёнида самарали фойдаланилади.

5. Жамоатчилик назоратини амалға оширишда Жиноят-процессуал кодексининг 44-моддасида белгиланган процессуал ҳуқуқлардан самарали фойдаланиб, жавобгарликка тортилаётган тадбиркорға нисбатан одил ва ҳолисона ҳулоса берилиши таъминланади.

6. Тергов ёки судда тақдим этиладиган илтимосномалар ва хулосалар холисона ва қонунчилик талабларига асосланган бўлиши ҳамда ёзма равишда тақдим этилиши лозим.

7. Жиноят ишларида олиб борилган жамоатчилик назорати якуни бўйича хулоса тузилиб, жамоатчилик ҳимоячиси сифатида иштирок этган ходим томонидан имзоланади.

## **VI. Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш юзасидан тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда жамоатчилик экспертизасини ўтказиш**

1. Жамоатчилик экспертизаси – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига мувофиқлигини, тадбиркорлик ва ишчанлик иқлимига таъсирини аниқлаш мақсадида уларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини ўрганиш ҳамда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда баҳолашдан иборат жараён дир.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш мақсадида Палата ҳузурида ҳуқуқий масалалар бўйича, шунингдек саноат, транспорт, қурилиш, молия, ахборот-коммуникация технологиялари, савдо ва хизматлар, ҳунармандчилик, кишлок ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда фаолиятнинг бошқа соҳалари бўйича эксперт кенгашлари ташкил этилган.

3. Эксперт кенгашлари таркибига Палата, тадбиркорлик субъектлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат қилувчи органларнинг, шунингдек таълим, илмий-тадқиқот, эксперт ва бошқа муассасаларнинг вакиллари киради.

4. Экспертлар кенгашларининг фаолияти Палата Раисининг 04.09.2017 йилдаги 29 “D” – сонли бўйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан тартибга солинади.

5. Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан жамоатчилик экспертизаси ўтказилиши якуни бўйича хулоса тузилиб, жамоатчилик экспертизасида қатнашган ходимлар томонидан имзоланади ва Палата Раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланади.

Экспертиза ўтказишда қуйидаги масалаларга асосий эътибор қаратилиши лозим:

- лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2018 йилдаги ПФ-5505-сонли “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони талабларига жавоб бериши;

- лойиҳа амалдаги қонунчиликка мослиги ва ундаги талабларни такрорламаслиги;

- тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашини, текшириш ўтказиш, кераксиз ва ортикча қоидалар жорий этиш орқали ниқобланган коррупциоген нормалар киритиш каби ҳолатларга йўл қўйимасликка.

**VII. Тадбиркорлик соҳасида қонунчилик қўлланилиши,  
қонунбузарликлар ва коррупциоген ҳолатларни аниқлаш бўйича  
тадбиркорлар орасида сўровномалар ўтказиш.**

1. Мазкур сўровнома давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасидаги фаолияти тўғрисида уларнинг фикр-мулоҳазаларини олиш ва таҳлил қилиш мақсадида ўтказилади.

2. Сўровномалар ўтказишдан мақсад қўйидагиларни қамраб олади:

- тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи давлат органларида амалдаги қонун нормалари қўлланилиши ва бу соҳадаги қонунбузулишлар;
- Палатага юклатилган вазифаларни бажарилиши самарадорлигини аниқлаш;
- рақобатга салбий таъсирни баҳолаш;
- тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини ошириш;
- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кумаклашувчи таклифларни қонунчиликка киритиш.

3. Палатанинг тегишли бошқармалари томонидан соҳаларга оид сўровномалар ишлаб чиқилиб, ҳудудий бошқармалар орқали тадбиркорлик субъектлари кўп йиғиладиган жойларда, бозорлар, давлат хизматлари агентлиги маъмурий бинолари, тадбиркорлик соҳасига бағишланган учрашувлар, давра сўхбатлари, кўргазмаларда ўтказиш.

4. Сўровлар натижаларини тизимли таҳлил қилиш орқали, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тускинлик қилувчи салбий омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича қонун ҳужжатлари лойҳаларини ишлаб чиқишни йўлга қуйиш.

**VIII. “Сирли миждоз” функцияларини амалга ошириш орқали  
тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишда  
қонунчилик талабларига риоя этилиши аҳолини ўрганиб бориш**

1. Маъмурий тартиб қоидалар амалга оширилиши қулайлиги ва давлат хизматларини кўрсатишда қонун ҳужжатлар талаблари, ходимларнинг профессионалиги ва тезкорлигини, уларнинг аҳоли билан муомала қилиш этикетини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сонли Қарорига асосан Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда “Сирли миждоз” тадбирлари мунгазам равишда ўтказилади.

2. “Сирли миждоз” институтини вазифалари қўйидагилардан иборат:

- кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини ўрганиш;
- тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-таомиллар амалга оширилиши қулайлигини ўрганиш;

- аҳолининг давлат органлари фаолиятидан қониқиши даражасини ҳамда уларнинг ходимлари касбий маҳоратини ошириш;

- давлат органлари, шунингдек уларнинг ходимлари томонидан давлат хизматларини кўрсатишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, ходимларнинг профессионалиги ва тезкорлиги, уларнинг аҳоли билан муомала қилиш этикети даражасини баҳолаш;

- давлат хизматларини кўрсатишда ҳуқуқбузарликлар ва ваколатни суиистеъмол қилишга ундовчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш.

3. «Сирли миждоз» мониторинги Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси томонидан, шунингдек уларнинг кўрсатмасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар адлия бошқармалари ҳамда Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

4. «Сирли миждоз» мониторинги Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган қўшма тартиб асосида ташкил этилади.

## **IX. Жамоатчилик назоратини ўтказишда Палатанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

1. Жамоатчилик назоратини олиб боришда Савдо-саноат палатаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органларидан жамоатчилик назоратини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш шахсга оид ёки давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолатлари аниқланганда, материалларни тегишли давлат органларига юбориш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш;

текширувларда иштирок этиш ва ҳудудий бошқармалар ходимларини ҳар қандай текширувларда иштирок этишини мувофиқлаштириб бориш;

назорат қилувчи органлар ва мансабдор шахслари томонидан ўзларига юклатилган тадбиркорлик субъектлари манфаатларига дахлдор бўлган вазифа ва функциялари бажарилишини баҳолаб бориш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширув ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарорларда тадбиркорлик субъектлари манфаатлари ҳисобга олинишини кузатиб бориш;

жамоатчилик назоратини ўтказишга жамоат бирлашмалари, илмий, эксперт ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб этиш;

ўтказилган жамоатчилик назорати натижалари бўйича яқуний ҳужжат тайёрлаш ва уни давлат органлари муҳокамасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти юзасидан мустақил ҳулоса тақдим этиш.

2. Жамоатчилик назоратини олиб боришда Савдо-саноат палатаси қуйидагиларга мажбур:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш;  
давлат органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган қонун билан ўрнатилган  
чекловларга амал қилиш;

давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ваколатлари  
доирасидаги фаолиятига аралашмаслик;

давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига  
тўсқинлик яратмаслик;

тадбиркорлик субъектлари манфаатлари ҳимоясини таъминлаш учун  
текширув натижаси бўйича қабул қилинадиган назорат органларининг  
қарорларига норозилик билдириш.

## **Х. Жамоатчилик назорати якуни бўйича ҳужжат шакллари**

1. Текшириш устидан олиб борилган жамоатчилик назорати якуни  
бўйича “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига биноан  
баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда  
тутилган бошқа шаклда якуний ҳужжат тузилиб, назоратни олиб борган ходим  
томонидан имзоланади.

2. Якуний ҳужжатда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

- жамоатчилик назоратини ўтказиш учун асослар;
- жамоатчилик назоратини ўтказиш мақсадлари, вазифалари, ўтказиш  
вақти;

- жамоатчилик назорати жараёни тўғрисидаги умумий маълумот,  
тавсиялар ҳамда таклифлар.

3. Якуний ҳужжатда баён этилган маълумот, тавсиялар ва таклифлар  
давлат органлари томонидан мажбурий равишда кўриб чиқилади ва улар бўйича  
қонуний қарорлар қабул қилинади.

## **ХІ. Якуний қоидалар**

1. Жамоатчилик назоратини ўтказиш мобайнида тарқатиш қонун билан  
чекланган маълумотлар аниқланганда, бундай маълумотлар сир сақланиши  
таъминланиши лозим.

2. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши, унда кўрсатилагн  
ҳужжатларнинг сифатли тузилиши ва тегишли идораларга ўз вақтида  
юборилиши ҳамда назоратни олиб боровчи ходимнинг хатти-харакатларига  
шахсан ҳудудий бошқарма бошлиқлари масъулдирлар.